*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

8 октябрь, сешанба, 1996 йил

Сотувда эркин нархда. № 204 (1456)

## 8 ТА ҚУДУҚ КАВЛАНДИ

***Қашқадарё вилоятининг қуйи қисмида жойлашган шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси асосан Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ туманларида кавланган ер ости қудуқларидан келадиган ичимлик суви билан таъминланади.***

Аҳолининг ичимлик сувига бўлган талабини тўлароқ қондириш мақсадида қўшимча тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, Китоб туманидаги Улуғбек номли жамоа-ширкат хўжалиги ҳудудида сув йиғиш станцияси қурилиши бошланди. Бу ерда «Ўзмаҳсусқурилиш» трестининг 130-кўчма механизациялашган жамланмаси, «Ўзбекгидрогеология» бирлашмасининг Бухоро ва Фарғона экспедицияларининг мутахассислари белгиланган режани уддалаш учун саъй-ҳаракат кўрсатмоқда. Бу ерда йил охиригача 13 та сув берадиган қудуқлар кавланиб ишга туширилиши мўлжалланган. Ҳозиргача 8 та қудуқ кавланди, сув йиғиш станцияси фойдаланишга топширилгунга қадар бу ерда кавланиши лозим бўлган қудуқларнинг ҳаммаси ишга туширилади ва аҳоли хонадонларини ширин сув билан таъминланишига хизмат қилдирилади.

## ҚЎШНИМИЗ ТИНЧЛИГИ — БИЗНИНГ ТИНЧЛИГИМИЗ

**АВВАЛ ХАБАР ҚИЛИНГАНИДЕК, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 4 ОКТЯБРЬ КУНИ АФҒОНИСТОНДАГИ ҲАРБИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТНИНГ КЕСКИНЛАШУВИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ВА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАҲБАРЛАРИНИНГ АЛМАТИДА БЎЛИБ ЎТГАН УЧРАШУВИДА ҚАТНАШДИ.**



Афғонистонда «Толибон» ислом ҳаракати пойтахт Кобулни эгаллаши, мамлакатдаги қарама-қаршилик кайфияти ва қуролли тўқнашувларнинг кескинлашуви афғон халқи бошига турли кулфатлар солган можарони тинч йўл билан ҳал этиш эҳтимолини бутунлай хавф остида қолдирди. «Толибон» ҳаракати аъзоларининг кўплаб хунрезликлар содир этиши, ўта мурosaсиз ҳаракатлари жаҳон жамоатчилиги, аввало, Афғонистонга қўшни минтақадаги давлатларни жиддий ташвишга солмай иложи йўқ эди.

Қолаверса, Афғонистондаги бу воқеалар қўшни Тожикистондаги вазиятни янада чигаллаштириши мумкин. Шу боис, мамлакатимиз Миллий хавфсизлик кенгаши мажлисида таъкидлангандек, «Ўзбекистон қўшни давлатларда юз бераётган бу воқеаларга бефарқ қараб тура олмайди». Шунингдек, «Толибон» ҳаракати Афғонистоннинг шимолий ҳудудларини эгалласа, жаҳон матбуоти катта ташвиш билан таъкидлаётганидек, бу Тожикистон ва Ўзбекистонга ўзининг жуда салбий таъсирини кўрсатиши мумкин.

Шу ўринда Ўзбекистон Президентининг Афғонистонга қурол-яроғ олиб киришни чеклаш тўғрисидаги ташаббуси ёдга тушади. Мамлакатимиз раҳбари нуфузли халқаро ташкилотлар минбаридан туриб, бир неча бор жаҳон жамоатчилиги эътиборини мазкур масалага қаратган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг мажлисларидан бирида ҳам ушбу ташаббуснинг муҳокама этилиши бежиз эмасди. Албатта, бу йўл билан муаммо бирданига ҳал бўлиб қолмайди, лекин, оловни ўчириш учун аввало унга ёғ қуйишни тўхтатиш лозимлиги барчага аён.

Доно халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бор. Алматидаги олий даражадаги учрашув ва унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қатнашишига худди шу нуқтаи назардан қараш жоиз.

Шу куни Алматидаги Президент саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев, Россия Федерацияси ҳукумат раҳбари Виктор Черномирдин ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ўзаро учрашдилар. Мамлакатлар раҳбарларининг холи суҳбатида Афғонистон ва Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги вазиятнинг кескинлашиши билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шундан сўнг Марказий Осиё давлатлари ва Россия Федерацияси делегациялари иштирокидаги кенгайтирилган таркибдаги учрашув бўлди. Унда Афғонистонда юзага келган вазиятнинг мазкур мамлакатлар хавфсизлигига дахлдорлиги, унинг олдини олиш учун умумий ҳаракат дастури ишлаб чиқилиши лозимлиги таъкидланди.

Учрашув қатнашчилари ушбу воқеа юзасидан ўз нуқтаи назарларини изҳор этиб, минтақадаги ҳар бир давлат манфаатларига мос умумий чора-тадбирларни белгилаш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамда МДҲнинг коллектив хавфсизлик ҳақидаги шартномаси доирасида ўзаро келишиб ҳаракат қилиш борасида фикрлашдилар.

Муҳокамалар ва фикрлашувлар якунида Қозоғистон, Қирғизистон республикалари, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон республикалари раҳбарларининг қўшма баёноти қабул қилинди.

Саммит ниҳоясида делегациялар раҳбарлари журналистлар билан учрашдилар. Унда Афғонистондаги воқеалар Марказий Осиё минтақасига таъсир ўтказадиган бўлса, МДҲнинг коллектив хавфсизлик шартномасига аъзо давлатлар ўзларининг жавоб чораларини кўриши, жафокаш афғон заминида тезроқ тинчлик ўрнатилиши ҳамда унинг ҳудудий яхлитлиги сақлаб қолиниши лозимлиги таъкидланди.

Маълумки, шу кунларда «Толибон» ҳаракати Афғонистоннинг тўртдан уч қисмини эгаллаган ва мамлакатнинг шимолий қисмига яқинлашиб келаётир. Бу ерда эса генерал Абдул Рашид Дўстум ўз мавқеини мустаҳкамлаб турибди. Агар «Толибон» ҳаракати мамлакат шимолини ҳам эгалласа, Ўзбекистоннинг жанубий чегаралари ёнига келиб қолади. Шу маънода Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга «Ўзбек генерали Дўстумга ҳарбий ва сиёсий ёрдам бериш керак деган масалага Сизнинг муносабатингиз қандай» дея савол берилди.

Президент Ислом Каримов журналистлар эътиборини аввал ҳам бир неча бор таъкидлаган масала — Абдул Рашид Дўстумнинг кўплаб оммавий ахборот воситалари томонидан «ўзбек генерали» деб аталишига қаратди. У аввало, ўзбек генерали эмас, афғон генералидир. Мисол учун Ўзбекистонда қайси миллатга мансуб генерал чиқмасин, у ўзбек генерали, шу мамлакат ва шу замин фарзандидир. Чунки у аввало ўша юрт манфаатини ҳимоя қилади. Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб генерал бўлса, у «корейс генерали» бўлиши керакми...

— Афғонистон шимолида уч миллионга яқин ўзбек яшайди, — деди Президент Ислом Каримов, — Уларга Ўзбекистон фақат инсонпарварлик ёрдами кўрсатади, холос. Шунингдек, биз уларни электр энергияси билан таъминлашда кўмаклашамиз.

Мамлакатимиз раҳбари Абдул Рашид Дўстумга бошқа йўсинда ёрдам бериш масаласи, агар лозим топилса, МДҲдаги ҳамкорлар билан биргаликда муҳокама этилиши кераклигини айтди.

Журналистлар билан учрашувда мазкур давлатлар ўз ҳарбий қисмларини маълум бир ҳудуд ёки чегара яқинига сафарбар этишни режалаштирмагани маълум қилинди.

Шу куни кечқурун Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Алматига сафарида Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, В. Норов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

**Муҳаммад ШАРИФ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Алмати.**

## КУН ТАРТИБИДА — ПАХТАЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

**7 октябрь куни Тошкентда пахта бўйича халқаро консультатив қўмитанинг 55-ялпи мажлиси иш бошлади.**

Пойтахтимиздаги «Интер континентал» меҳмононаси муҳташам залида анжуманнинг расмий очилиш маросими бўлди. Уни мазкур халқаро қўмитанинг ижрочи директори жаноб Л. Шоу очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мажлисда нутқ сўзлади. Президент анжуман иштирокчиларини қутлаб, пахта етиштирувчи ва экспорт қилувчи мамлакатларнинг биргаликдаги фаолияти яхши самара беришини таъкидлади.

Мажлисда АҚШ, Франция, Англия, Ҳиндистон, Аргентина, Судан каби дунёнинг турли мамлакатларидан келган олим, мутахассис ва ишбилармон доиралар вакилларининг пахта бозори фаолиятини яхшилаш, 2000 йилгача пахта нархлари таҳлили, 90-йилларда пахтачилик истиқболлари мавзуидаги маърузалари тингланади. Анжуман қатнашчилари хўжаликларда бўлиб, Ўзбекистонда пахта етиштириш тажрибаси билан танишадилар.

Мазкур халқаро анжуман арафасида Тошкент кўркига кўрк қўшган «Интер континентал» меҳмонхона мажмуи қуриб битказилди. Президент Ислом Каримов меҳмонхонани кўздан кечирди. «Интер континентал» компаниясининг Марказий ва Шарқий Европа минтақаси бўйича вице-президенти В. Кросвичик ҳамда меҳмонхона бош директори П. Боссел билан халқаро мезонларга жавоб




берадиган ушбу ноёб иншоотнинг қурилиши, ишга туширилиши ва ундан фойдаланиш масалалари хусусида суҳбатлашди.

Анжуман ўз ишини давом эттирмоқда.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

**(ЎзА).**

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПАХТА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАСЛАҲАТ ҚЎМИТАСИНИНГ 55-ЯЛПИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳонимлар ва жаноблар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг 55-ялпи мажлиси иштирокчиларини Ўзбекистон пойтахтида қутлаш менга мамнуният бахш этади. Учрашувимиз самарали бўлишига аминман. Бу учрашув пахта етиштириш, уни қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланаётган барча мамлакат ва ташкилотлар ҳамкорлигини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тошкентдаги ялпи мажлисда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг, Жаҳон савдо ташкилотининг, Жаҳон банкининг вакиллари иштирок этаётгани унга алоҳида аҳамият бахш этади.

**Бремен, Ливерпуль пахта уюшмалари, Нью-Йорк пахта биржаси** вакиллари шаънига табрик сўзлари айтишга ижозат бергайсизлар. Уларнинг мазкур мажлисдаги иштироки Ўзбекистон пахта индустриясининг аҳамияти тобора ортиб бораётганини ишончли тарзда кўрсатиб турибди. Республикамиз пахта индустриясини тарғиб қилишда **«Коттон аутлук»** нашриёти Ўзбекистон тўғрисида ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлаб, салмоқли иш қилди.

Бутун пахтачилик олами пахта экини қадимий даврлардан буён маълум бўлган Ўзбекистон заминида тўпланғани чуқур рамзий маънога эга.

Бу диёрда истиқомат қилаётган кишилар қадимий замонлардан буён сахий заминда пахтани, айтишим мумкинки, зўр бериб, қатъият билан меҳнат қилишни, билим ва тажрибани талаб қиладиган бундай нозик, инжиқ экинни етиштириш билан шуғулланиб келади. Пахта Ўрта денгиз соҳилларига, Яқин Шарқ ва Кичик Осиёга Марказий Осиёнинг қоқ маркази — айнан ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидан тарқалган.

Мустақиллигимизнинг беш йили мобайнида пахтачилик соҳасини ривожлантиришнинг стратегияси қайта кўриб чиқилди. Мазкур стратегиянинг мақсади янги илғор технологиялардан фойдаланган ҳолда тола етиштиришнинг энг мақбул ҳажмини сақлаб қолган ҳолда пахта якка ҳокимлигини тугатишдан иборат. Мувофиқлаштирилган аграр сиёсатни ўтказиш — пахта етиштиришни барқарор қилиш, 1,3 миллион тонна рақобатбардошли тола ишлаб чиқариш имконини берди.

Шуни айтиш лозимки, янги навларни жорий этиш ва агротехникага риоя қилиш ҳисобига пахта майдонларини камайтириш республикамизга дон етиштиришни 3 баравардан зиёдроқ кўпайтириш имконини берди. Бу эса, пировард натижада, Ўзбекистоннинг дон мустақиллигини таъминлайди.

Бизнинг пахтамиз Европада етакчи ўринни эгаллаб, Жанубий Америка ва Жануби-Шарқий Осиёда етиштирилган тола билан муваффақиятли равишда рақобат қилмоқда, АҚШ бозорига чиқиб олди.

Ўзбекистон Асосий пахта етиштирувчи давлатлардан бири сифатида бу соҳани янада ривожлантириш учун кўп куч-ғайрат сарфламоқда. Айни пайтда пахтачиликда фойдаланилмаётган имкониятлар ҳам мавжуд.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг 1992 йилда пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасига аъзо бўлганининг аҳамияти беқиёсдир.

Бу ташкилотнинг ишида иштирок этиш фақат пахта етиштирувчилар учун эмас, уни қайта ишловчилар, экспортчилар, олимлар учун ҳам қимматли илмий-техника ахборотларини айирбош қилишни таъминлайди. Пировард натижада, мустаҳкам ҳамкорлигимиз туфайли, Ўзбекистон пахта етиштириш ва сотишнинг жаҳон тажрибаси марказига чиқиб олди.

Биз Жаҳон банки билан биргаликда республикада пахта етиштиришни қайта қуриш лойиҳасини ишлаб чиққан қўмита ва унинг котибияти мададини жуда қадрлаймиз.

Бизнинг асосий мақсадларимиз қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, пахта ҳосилдорлигини ошириш;

Иккинчидан, пахта толасининг сифатини яхшилаш;

Учинчидан, юқори сифатли уруғлик етиштиришни кўпайтириш ва шу йўл билан уруғчилик маданиятини ошириш;

Тўртинчидан, экинларни суғоришда сувни тежаш;

Бешинчидан, атроф-муҳитни соғломлаштириш, экология вазиятини яхшилаш.

Пахта лойиҳасининг муҳимлиги ҳисобга олиниб, ҳукумат қарори билан Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида бу лойиҳани амалга ошириш билан бевосита шуғулланадиган агентлик тузилди.

Ҳурматли дўстлар!

Пахта, бутун пахта саноати қудратли ва кенг тармоқли, юз минглаб кишилар банд бўлган инфраструктурани ўз ичига олади.

(Давоми 2-бетда).

## ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ҚИРҒИЗИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ, ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Биз, Алмати учрашуви иштирокчилари, Афғонистонда юз бераётган воқеалар хусусида фикр алмашиб, Афғонистондаги қуролли тўқнашувлар миқёси кенгайиб бораётгани ва бу ҳаракатларнинг тобора кучайиб, тинч аҳоли ўртасида оммавий қурбонларга сабаб бўлаётганидан, қочоқлар ва мажбурий кўчманчиларнинг янги-янги оқимларини пайдо қилаётганидан жиддий ташвишланаётганимизни билдирамиз. Қатл этишлар ва отиб ташлашлар, собиқ Президент Нажибуллонинг ваҳшийларча ўлдирилиши тангликни кучайтириб, Афғонистондаги вазиятни умуммиллий ҳалокат ёқасига олиб келмоқда, афғон давлатчилигининг барбод бўлиши хавфини туғдирмоқда.

Уруш алангаси МДҲга аъзо мамлакатлар чегарасига яқинлашиб келмоқда. Бу ҳол мазкур давлатлар ҳамда бутун ҳамдўстликнинг миллий манфаатларига бевосита хавф туғдириб, минтақавий ва халқаро вазиятни беқарорликка олиб келади.

Биз Афғонистон чегарасидаги МДҲ давлатлари билан барқарорликка путур етказадиган ҳар қандай ҳатти-ҳаракатни маъқулламаслигимизни баён қиламиз. Бундай ҳатти-ҳаракатлар ким томонидан содир қилинган бўлмасин, бу давлатларнинг умумий манфаатларига хавф сифатида баҳоланади ва 1992 йил 15 май куни Тошкентда имзоланган коллектив ҳавфсизлик ҳақидаги шартноманинг 4-моддасига биноан, уларга худди шундай жавоб қайтарилади. Учрашув иштирокчилари ҳамдўстликнинг коллектив ҳавфсизлик кенгашига мурожаат қилади ва МДҲнинг жанубий чегараларида вужудга келаётган вазиятни тезлик билан кўриб чиқиб, ҳамдўстликнинг ташқи чегаралари ҳавфсизлигини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўришга даъват этади.

Биз Афғонистондаги урушаётган томонларни, энг аввало толибларни уруш ҳаракатларини зудлик билан тўхтатиб, умуммиллий тотувликка эришиш йўлларини қидиришни бошлашга даъват этамиз. Афғонистонда узоқ йиллардан бери давом этиб келаётган урушни тўхтатиш пайти етди. Бу ишда суверен Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш асосий шарт бўлиши лозим.

Биз БМТ Хавфсизлик Кенгашининг уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳамда Афғонистондаги зиддиятни сиёсий жиҳатдан ҳар томонлама бошқариш, жаҳон ҳамжамияти томонидан тинч аҳоли ва қочқинларга мурувват ёрдами берилиши юзасидан тезкор чора-тадбирлар белгалаш учун манфаатдор мамлакатлар иштирокида зудлик билан махсус мажлис ўтказишини таклиф этамиз.

**Алмати,**
**1996 йил 4 октябрь.**

*1996 йил — Амир Темур йили*

## САМАРҚАНДДА ТЎЙ ТАРАДДУДИ

***Самарқанд буюк соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрмоқда.***

Республика Бош вазири биринчи ўринбосари, мазкур юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси И. Жўрабеков 7 октябрь куни бу ерда бўлиб, қутлуғ тўйга тайёргарлик ишлари билан танишди. Ёдгорликларни таъмирлашни тезроқ ниҳоясига етказиш, улар атрофини ободонлаштириш, Амир Темур номидаги янги майдонда соҳибқироннинг улуғвор ҳайкалини ўрнатиш ишларини жадаллаштириш зарурлигига эътиборни қаратди. Регистон майдонида ўтказиладиган театрлашган томоша юксак бадиий савияда ўтиши учун барча имкониятлардан фойдаланиш кераклиги ўқтирилди.

Вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган кенгашда ана шу масалалар яна бир бор атрофлича муҳокама этилди. Алоқадор вазирликлар, идора ва ташкилотлар, ҳокимликлар раҳбарларига бу борада аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Кенгашда республика Бош вазири ўринбосари Р. Юнусов, Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев қатнашди.

**(ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕРМАНИЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

**У 5 октябрь куни Тошкентдаги «Баҳор» концерт залида тантанали равишда очилди.**



Залда республикамизнинг маданият, адабиёт ва санъат арбоблари, давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, Ўзбекистондаги дипломатия ваколатхоналарининг ходимлари тўпланди.

ГФР Ташқи ишлар вазирлигининг давлат котиби доктор Ҳанс Фридрих Фон Плетц бу дўстлик байрамини очар экан, Германияда бизнинг мамлакатимизга қизиқиш ортиб бораётганини, бой тарихга, қадимий маданиятга, маънавий анъаналарга, жумладан, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш анъаналарига эга бўлган икки халқ ўртасидаги ўзаро фойдали алоқалар тобора кенгайиб бораётганини қайд этди. Ўзбекистон мустақилликка эришган ҳозирги пайтда Германия ҳам бирлашиб, ягона мамлакатга айланди, деди у. Иккала мамлакат дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, янада қалин иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйишга интилмоқдаки, Ўзбекистонда Германия маданияти кунларининг ўтказилиши бунинг далилидир.

Тантанали маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов мамлакатимизда ГФР маданияти кунларини ташкил этгани учун меҳмонларга миннатдорлик билдириб, бу воқеа яқинда Штутгартда ўтказилган «Буюк ипак йўли» кўргазмасининг давоми эканини, эндиликда Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонлари Германиянинг маданият соҳасидаги ютуқлари билан танишиш имкониятига эга бўлганини таъкидлаб ўтди. Иккала халқ, бу халқларнинг буюк аждодлари маърифатни ривожлантиришга, турли мамлакатлар халқларининг маънавий жиҳатдан бир-бирига яқинлашувига катта ҳисса қўшди, ўтмишни ҳурмат қилишга, келажакни кўзлаб эзгу ишларни амалга оширишга ўргатди. Мамлакатимизда Германия маданияти кунларининг ўтказилиши бу соҳага яна бир ҳисса бўлиб қўшилади ҳамда халқларимиз ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистонда Германия маданияти кунларини тантанали очиш маросими иштирокчиларига немис ёшлар филармонияси дастаси машшоқлари концерт қўйиб бердилар.

Германиялик меҳмонлар томонидан тайёрланган хилма-хил дастурларда машшоқларнинг концертлари, театр томошалари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиши, кўргазмалар, адабий учрашувлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шарқшунослик, археология ва иқтисодиёт масалалари юзасидан маърузалар, семинарлар кўзда тутилган.

Германия маданияти кунларининг тантанали очилишида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х. Жўраев, В. Норов, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева, Республика Бош вазирининг ўринбосарлари С. Саидқосимов, Ў. Исмоилов, К. Раҳимов иштирок этдилар.

**(ЎзА).**

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ПАХТА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО МАСЛАҲАТ ҚЎМИТАСИНИНГ 55-ЯЛПИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Бу соҳада қишлоқ хўжалик машинасозлиги муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ҳам машинасозликни ривожлантиришда жаҳондаги эътироф этилган етакчилар билан биргаликда куч-ғайратларимизни бирлаштирмоқчимиз.

Бу йўналишда биз Американинг трактор ишлаб чиқарадиган «Камминз энжин» фирмаси ҳамда пахта териш машиналари ишлаб чиқарадиган «Кейс» фирмаси билан ҳамкорликни ривожлантирмоқдамиз. Бу ҳамкорлик деҳқончилик маданияти ва самарадорлигини оширишга, ҳосилни йиғиштириб олиш суръатларини тезлаштиришга имкон беради.

Британиянинг «Мередит Жонс» фирмаси билан биргаликда Фарғона водийсида амалга оширилаётган лойиҳалар жамоа хўжаликлари негизида пахта етиштириш ва йиғиштириб олишнинг илғор усуллари ҳамда пахтани қайта ишлаш натижасида олинган маҳсулотлар маркетинг асосида бутун қишлоқ хўжалик мажмуини қайта қуриш ва такомиллаштиришнинг янги моделини яратишга имкон беради.

Хонимлар ва жоноблар!

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ғўза жуда катта имкониятларга эга бўлган ноёб экинлардан биридир. Шу сабабли пахта фақат толани қайта ишлаш эвазигагина эмас, бошқа жиҳатлардан ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти учун жуда катта аҳамиятга эга.

Масалан, тозаланган пахта ёғи ишлаб чиқариш ҳажми 300 минг тоннани ташкил этади. Бу эса республика аҳолисининг юқори сифатли ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжини тўла таъминлабгина қолмай, ёғни экспорт қилишга ҳам имкон беради.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Германиянинг «Луизенталь» фирмаси билан биргаликда барпо этилган корхоналарда юқори сифатли қоғоз, шу жумладан, пул чиқаришда ишлатиладиган қоғоз тайёрланмоқда.

Олдимизда ёғ-экстракция заводларида тиббиёт ва техникада ишлатиладиган госсиполни катта миқдорда ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларини ва ўсиш стимуляторларини ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш, ғўзапоядан кенг кўламда целлюлоза ишлаб чиқариш вазифаси турибди.

Бироқ биз пахта савдосида Ўзбекистоннинг ўрнини сақлаб туриш ва мустаҳкамлашни асосий вазифа деб биламиз. **Биз Ўзбекистон пахта толасини экспорт қилиш бўйича жаҳонда эгаллаб турган иккинчи ўринни сақлаб қолишга қатъий аҳд-паймон қилганмиз.**

Шу мақсад йўлида пахта таснифи, маркетинг борасидаги илғор усулларни қўллаш, ходимларни ўқитиш соҳасида хорижий компаниялар билан ҳамкорлик тобора тез суръатлар билан кенгаймоқда.

Масалан, «Донавант» (АҚШ) компанияси Мемфисдаги пахта мактабида, Рода коллежи қошидаги халқаро пахта институтида ўзбекистонлик мутахассисларга маркетинг ва пахта таснифи бўйича таълим беришда ёрдам кўрсатмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар имтиҳон топширганларидан сўнг АҚШ Қишлоқ хўжалик вазирлиги таснифчиларининг шаҳодатномасини оладилар.

Шунингдек, биз «ВЭКфилд» (Буюк Британия), «Эс Жи Эс», «Робертсон» (АҚШ) ва бошқа компаниялар билан ҳам биргаликда фаол ишламоқдамиз.

Яқин келажакда пахта сертификат омборлари қурилишига зарур сармоя ажратилади. Бу эса импортчиларнинг пахта толаси тури ва уни жўнатиш муддатларига талабларини тўлароқ қондириш имконини беради.

Хонимлар ва жаноблар!

Сизларга яхши маълумки, Ўзбекистон бевосита денгизга чиқа олмайди. Демак, экспорт-импорт юкларини ташиш учун самарали транспорт йўлларининг мавжудлиги ташқи савдомизда жуда муҳим аҳамиятга эга. Шу муносабат билан экспорт ва импорт товарларини ташишнинг янги йўналишлари ишлаб чиқилмоқда ва жорий этилмоқда. Улар орасида Поти ва Батуми портларигача борадиган Транскавказ йўли бор. Шунингдек, Қозоғистондаги Дўстлик станцияси орқали Евроосиё темир йўлига қўшилиб, Хитойнинг Янь Юньгай портига чиқишга имкон берадиган Трансосиё темир йўлидан фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Бу — толамизни истеъмолчиларга қисқа муддатларда етказиб бериш имконини беради.

Ҳурматли меҳмонлар!

Биз Тошкентда Ўзбекистоннинг сахий замини деҳқон меҳнатига сахийлик билан ўз бойликларини ҳадя этадиган олтин куз пайтида тўпланиб турибмиз. Пахта заминимизда етиштириладиган маҳсулотларнинг энг муҳимидир.

Мен ушбу мажлиснинг барча иштирокчиларига меҳмондўст Ўзбекистонга келиш имкониятини топганлари учун миннатдорлик изҳор этаман. Барчангизга саховатли ўзбек диёрида бўлган вақтингиз самарали ўтишини, жаҳон пахтачилик соҳасининг гуллаб-яшнаши йўлида муваффақиятли ишлашни тилайман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.




# КЕЛАЖАК ТАЯНЧИ

## («Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганиш» китоби ҳақида)

***Мустақил давлатимизнинг келажаги — ёшлар қўлида. Уларга ҳозир қанчалик тўғри ва аниқ йўл кўрсатсак, мустақиллик, миллий давлатчилик, буюк ислоҳотлар, обод ва озод Ватан туйғусини улар онгига қанчалик кўп сингдиролсак, ўз йўлига, ўз миллий тараққиётига эга бўлган давлатимизнинг келажак тақдирини белгилаган бўламиз. Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асари ана шу мақсадга хизмат қилади. Ушбу асар жамиятимизни ривожлантиришнинг туб илдизларини кўрсатиб беради, тараққиёт йўлини белгилайди. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асари нафақат юртимизда, балки бутунжаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам илиқ кутиб олинди. Мазкур китобнинг 30 га яқин давлатларда тақдимоти бўлиб ўтди.***

Юртбошимиз ушбу асарининг I қисмида иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари ва сабоқларини чуқур таҳлил қилган бўлса, иккинчи қисмида иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устувор йўналишлари ҳақида батафсил тўхталиб, ниҳоятда аниқ истиқболни кўрсатди. У нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки чет эл китобхонлари диққатини ҳам ўзига жалб қилди. Асарни ўрганиш ва ундаги таълимотларни ҳаётга татбиқ этиш истиқболга элтиши, шубҳасиз. Чунки инқилобий ўзгаришларда катта рол ўйнаётган бу китоб ўз қиммати, мазмун-моҳиятига кўра беқиёсдир. Бу илм сарчашмасидан ҳамма баҳраманд бўлмоғи лозим. «Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганиш» китоби эса («Шарқ», Т. 1996 й) худди шу мақсадга хизмат қилади. «Умумтаълим ва янги турдаги мактаблар ўқитувчилари учун методик маслаҳатлар» рукни остида чоп этилган олимларимиз Ш. Каримов ва И. Турсуновларнинг бу китоби ўқитувчилар, ўқувчилар, талабалар, қолаверса, Ўзбекистоннинг барча фуқароларига Президентимизнинг ушбу чуқур илмий-назарий, сиёсий, иқтисодий асарини ўрганишга кўмаклашадиган қўлланмадир. Юртбошимизнинг китоби ҳақида ёзилган бу рисолада икки босқич ҳақида маърузалар тавсия қилиниб, уларга қўшимча услубий маслаҳатлар ҳам берилган. Бу билан ишга тўғри илмий-методик ёндашилган. Унда Ислом Каримовнинг асари, мамлакатимиз тараққиёти, эришилган яхлит тарихий ютуқларнинг илмий-назарий таҳлили, хулосалари, сабоқлари ва иккинчи босқичда амалга ошириш лозим бўлган улуғвор ва долзарб вазифалар чуқур муҳокама этилган. Китобни Президентимизнинг иқтисодий-фалсафий асари тўғрисидаги ўзига хос методик қўлланма, деб баҳолаш лозим.

Услубиётчи муаллифлар Президентимизнинг ушбу асарини рамзий маънода улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг «Тузуклари» асари билан қиёслашади: «Ҳар иккала асар ҳам ёзилиши даври нуқтаи назаридан айнан бирдир. Амир Темурнинг «Тузуклари» мамлакатимизнинг 150 йиллик мўғуллар асоратидан озод этилганлигига тўғри келса, Ислом Каримовнинг асари ҳам Ўзбекистоннинг мустамлакачилик зулмидан қарийб 150 йилдан сўнг қутулиб, истиқлол сари шаҳдам қадамлар ташлаб бораётган даврида ёзилган. Иккала китоб ҳам улуғ ва олийжаноб мақсад, эзгу орзу-ниятлар оғушида майдонга келган. Амир Темур «Тузуклари»да марказлашган ва қудратли улуғ туркийлар салтанатини барпо этиш бош мақсад қилиб қўйилган бўлса, Ислом Каримов китобидаги бош муддао — келажаги буюк ва қудратли Ўзбекистонни барпо этишдир. Бу икки китоб ўзида муштарак мақсадни амалга оширишдаги қийинчиликлар ва уларни барпо этиш йўлларини ҳар тарафлама асослаб берилиши билан ҳам ўхшашдир.

Дарҳақиқат, иқтисодий ислоҳотларнинг ўзига хос стратегияси ва йўлини шакллантириш механизми Ислом Каримовнинг ушбу китобида ўз ифодасини топган. Бу илмий-назарий қарашлар — мулкни хусусийлаштириш, аграр муносабатларнинг янги турларини юзага келтириш, бошқарувни демократлаштириш, нархлар эркинлиги, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш каби тамойиллар бугунги кунга келиб мамлакатимиз ҳаётида қадам-бақадам амалга оширилмоқда.

Китобда халқнинг маънавий-руҳий юксалишига иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий негизи сифатида қаралади. Бу — яқинда эълон қилинган Президентимизнинг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида ҳам ўз ифодасини топган. Маънавий ва миллий юксалишимизга дастуриламал бўладиган бу тарихий ҳужжат айни пайтда иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичидаги ютуқлар ифодаси ҳамдир. Муаллифлар мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда юртбошимиз олиб бораётган сиёсатта, унинг раҳбарлик маҳоратига ҳам алоҳида ёндашганлар.

Рисолага «Тарих дарсларида Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асаридан фойдаланиш сўнгги сўзи билан хулоса ясалган. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари илмий-методик кучлари ҳамкорлигида талабалар учун «Ўзбекистон тарихи» фани бўйича ягона концепция ва дастур яратилиб, бутун таълим тизимига татбиқ қилина бошланди. Бу эса айнан Ислом Каримовнинг китобида қайд қилинган «Мустақиллик йиллари — ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир. Бу — жаҳон жамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир», деган фикр-мулоҳазаларига лойиқ жавоб бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асари жаҳон фани тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилди ва иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган давлатлар учун у Ўзбекистон мисолида ўзига хос дастуриламал бўлиб қолади.

«Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» асарини ўрганиш» рисоласи эса Президентимиз асарини шарҳлаш, уни кишилар дилига муҳрлашда қўл келадиган методик қўлланма сифатида эътиборга лойиқдир.

**К. НОРМАТОВ,**
**тарих фанлари доктори, профессор.**
**У. НИШОНАЛИЕВ,**
**педагогика фанлари доктори, профессор.**

*Акс-садо*

# «САЙРОҚИ» ТЎТИҚУШЛАР

*«Халқ сўзи» газетасининг 5 октябрь кунги сонида чоп этилган «Алаҳсираш» сарлавҳали мақолани ўқиш жараёнида менинг ҳам кўнглимдан бир қанча ўй-фикрлар кечди. Дарҳақиқат, мақолада жуда муҳим муаммо қаламга олинган. Таъбир жоиз бўлса, бу нарса ҳозирги пайтда Ўзбекистонлик ҳар бир кишининг дилига ҳиралик солаяпти.*

*Россияда чоп этилаётган айрим оммавий ахборот воситаларида мустақил мамлакатимиз ва унинг фуқаролари шаънига айтилаётган туҳмат-бўҳтонлар, номаъқул фикрлар маза-матрасиз таомдек, ҳамманинг меъдасига тегди. Аммо улар ҳамон ўша, эски сақичларини чайнашдан тўхтамаётганликлари ажаблантиради кишини. Хўш, бундай субутсизлик учун ўқувчилар уларга раҳмат айтадими? Ҳеч қачон. Аксинча, мазкур нашрлар бундай қилмишлари билан ўзларининг парда ортида пинҳон бўлган ҳақиқий, қийшиқ башараларини ошкор қилиб қўяётганликларини наҳотки билишмаса?*

*Мен бундай газеталарни тўтиқушга қиёслаган бўлардим. Ўзингиз биласиз, бу «ақлли жонивор» уста тақлидчи бўлиб, бировлар томонидан ўргатиладиган сўзларни инсон тилида бурро-бурро талаффуз этади. Албатта, у бу сўзларнинг маъносидан мутлақо бехабар. Чунки қанчалик чиройли гапирмасин, тўтиқуш — барибир парранда. Унда инсонга хос бўлган ақл-идрок, ҳис-туйғу йўқ. Шунчаки ўзида пайдо бўлган қорин тўйғазишдек, ҳайвоний инстик измига бўйсиниб, хўжайини ўргатган сўзларни такрорлайди ва бунинг эвазига дон-дун билан сийланади... «Независимая газета», «Сегодня», «Комсомольская правда», «Московская правда», «Известия» газеталарининг Ўзбекистон ҳақидаги уйдирмалари тўтиқушнинг ана шу «сайроқилиги»дан сира фарқ қилмайди. «Алаҳсираш» мақоласи муаллифи тўғри таъкидлаганидек, ортларида гап ўргатиб турган хўжайинлари бунинг учун «жонкуярлар»нинг елкаларига оталарча меҳрибонлик билан қоқиб қўйиб, ёғлиқ-ёғлиқ улуфалар ҳадя этишса, ажабмас. Бўлмаса, бундай нуфузли нашрларнинг неча йиллардан бери Ўзбекистон ҳақидаги бир хил гапларни ҳадеб тўтиқушдай кариллаб такрорлашдан ўзларига не наф?*

*Андишасизликнинг ҳам ҳад-чегараси бўлиши керак. Юқорида номлари зикр этилган Россия нашрлари мухбирлари бировларнинг ноғорасига ўйнамай, бизнинг мамлакатимиз хусусида ҳам бор ҳақиқатни холислик билан қаламга олишларини истардим.*

*Бунинг учун улар эринмасдан Ўзбекистонга келиб, оддий одамлар билан субатлашсинлар, юртимизда кечаётган улкан ўзгаришлар, маҳобатли қурилишлар жараёни билан танишсинлар. Агар ниятлари холис бўлса, ана шунда Ўзбекистон ҳақидаги бор ҳақиқатни тўла англаб етадилар ва ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олишади, деб ўйлайман. Зотан, ҳар қандай оммавий ахборот воситасининг биринчи галдаги вазифаси — халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини тобора мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшишдан иборатдир.*

**Раҳматулла БОЙМАТОВ,**
**Чироқчи тумани, «Чияли» ширкат жамоа хўжалиги бригадири.**



***Бухоро шаҳридаги «Нигора» акционерлик жамияти ишчилари шу кунларда болалар ва хотин-қизлар кийим-кечакларини тикишаяпти. Ҳозир бу маҳсулотларга талаб катта бўлаяпти.***

***СУРАТДА: 1-цех ишчиси Д. Раҳмонова.***

***Х. ҚУРБОНОВ олган сурат.***

*Олий Мажлис қўмиталарида*

# ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН ГЎЗАЛ

**Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессиясининг бўлиб ўтганига ҳам бир ойдан зиёд вақт ўтди. Хўш, ана шу муддат давомида Олий Мажлис қўмиталарида қандай ишлар амалга оширилди? Мухбиримиз Олий Мажлис Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раисининг ўринбосари Мирзамурод ИКРОМОВга ана шундай савол билан мурожаат қилди.**

— Маълумки, Президентимиз Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида қилган маърузасида кўп масалалар қаторида қонунларни ишлаб чиқиш ҳамда қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш масаласи хусусида ҳам фикр-мулоҳаза билдирган эдилар. Муштарийлар 2 октябрь куни Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ана шу масалаларга бағишланган мажлиси бўлганлиги ҳамда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов раҳбарлигида махсус комиссия тузилганлигидан ҳам яхши хабардор бўлсалар керак. Қўмитамиз ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўзининг махсус дастур фаолиятини тузди. Ва айни пайтда ана шу дастур бўйича иш олиб бораяпмиз.

Маълумки, қўмитамиз Олий Мажлиснинг ўтган сессияларида иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалигига доир бир қанча янги қонун лойиҳаларини тақдим этган ва улар мутахассислар ҳамда депутатларимиз томонидан муҳокама қилингандан сўнг қабул қилинган эди.

Халқимизда «Қонун ижроси билан гўзал», деган чиройли ибора бор. Биз янги қонунлар қабул қилган эканмиз, унинг ижросини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Бу, аксинча, бизга фойдали ҳамдир. Чунки объектив борлиқдаги барча нарсалар ўзгарувчан экан, шунга мувофиқ қонунларимиз ҳам давр ва шароит тақозосига биноан янгиланиб, ўзгариб туриши табиий ҳолдир. Зеро, қонунларнинг сифати, пишиқ-пухталиги унинг ижроси жараёнида янада яққолроқ, ёркинроқ кўзга ташланади. Ана шунда унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш, янада мукаммаллаштириш имконияти туғилади. Шунга мувофиқ қўмитамиз қошида депутат ҳамда мутахассислардан иборат тартибда тузилган махсус гуруҳ «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг Сирдарё ҳамда Жиззах вилоятидаги, «Наслчилик тўғрисида»ги Қонуннинг эса Навоий ва Бухоро вилоятидаги ижросини ўрганиб чиқди. Бугун қўмитамиз аъзолари иштирокида ана шу масалаларни муҳокама қиламиз ва тегишли қарорларимизни тайёрлаймиз.

Қўмитамизда бундан ташқари «Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва зарарсизлиги тўғрисида»ги янги Қонун лойиҳаси устида ҳам иш олиб борилмоқда. Мазкур Қонун лойиҳаси бугунги ҳаётимиз учун нақадар зарур ва аҳамиятли эканлигини таъкидлаб, изоҳлаб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман. Зеро, буни истеъмолчилар ҳаммадан кўра кўпроқ ва теранроқ ҳис қиладилар.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Исмат ХУДОЁРОВ суҳбатлашди.**

# АНДИЖОН ШАРБАТИ

«Андижон» агрофирмаси консерва заводида жаҳон бозори талабларига мос янги маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мева ва узум шарбати 250 граммли махсус пакетларда савдога чиқарилди. Корхона хорижга маҳсулот сотишдан тушган валютага Кореянинг машҳур «Донхо» фирмасидан шарбат тайёрлаш ва қуйиш линиясини сотиб олди. Зарур целлофан пакетлар ва шарбат ичиш учун мўлжалланган найчаларни ҳам шу фирма етказиб беради. Ҳозир янги цехда ҳар куни 20 минг пакет шарбат чиқарилмоқда.

**ЎзА**

# ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

*«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 25 сентябрь сонида эълон қилинган асакалик бир гуруҳ фахрийлар ва Андижон шаҳридаги «Дўстлик» маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқолларининг «Нуроний» жамғармасини ташкил этиш ҳақидаги таклифларини ўқиб, беҳад қувондик.*

*Дарҳақиқат, айни пайтда республикамизда фаолият кўрсатаётган фахрийлар Кенгашларининг нафақат ташкилий тузилиши балки иш услуби ҳам ҳануз эскича усулда давом этмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Кенгаш раёсати бир хилликдан воз кечолмай, ҳатто йиғилишларини ўтказишга ҳам қийналиб юради. Аслида, эски тузумга хос бўлган ва асосан мақтовдан иборат пленум, конференциянинг кимга кераги бор? Бунинг ўрнига амалий иш қилиш керак. Ваҳоланки, бизнинг вилоятда ҳам фахрийлар кенгашларининг таъсири сезилмайди.*

*Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганларидек, бугун элим юртим деб ёниб яшашимиз лозим. Айниқса, келажаги буюк давлат қуриш йўлидаги улуғвор ҳаракатлардан биз, фахрийлар ҳам четда қолмаслигимиз керак. Шу боис тузилажак «Нуроний» жамғармаси ўзининг жамиятдаги тутадиган роли ва мавқеи билан қолган жамғармаларга ҳам ибрат бўла олади, деб ўйлаймиз.*

*Ёшлик — меҳнат қилиш, қарилик эса иззат-ҳурмат гаштини суриш давридир. Ишончимиз комилки, бўлажак жамғармага барча ташкилотлар, раҳбарлар жон-жон деб ёрдам берадилар. Энг муҳими, «Нуроний» барча тоифа фахрийлар холидан хабардор бўладиган тузилмага айланади. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, маънавиятимизни юқори поғонага кўтаришда кенг имкониятларга эга бўлади. Зотан, бугуннинг талаби ҳам ана шундай.*

***Абдураҳмон ЖЎРАЕВ,***
***Наманган туманидаги «Ғайрат» жамоа хўжалиги, фахрий,***
***Халил ДАВЛАТОВ, фахрий,***
***Алихон ХАЛИЛБЕКОВ, фан номзоди, фахрий.***

*Ўзбекистон журналистикаси:*

# ДЕМОКРАТИК ЙЎЛДАН ДАДИЛ ҚАДАМ

***Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда 4-5 октябрь кунлари ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бўйича бюроси, республика Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО ишлари бўйича миллий комиссияси ҳамда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ҳамкорлигида «Демократлаштириш шароитида оммавий ахборот воситалари» мавзуидаги давра суҳбати бўлиб ўтди.***

***Шу муносабат билан мухбиримиз ушбу анжуман иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.***

**Алоиз РЕЗНИК, ЕХҲТнинг Марказий Осиёдаги алоқалар бўйича бюроси бошлиғи:**

— Аввало, шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон 1992 йил январь ойида ЕХҲТга аъзо бўлганидан буён мазкур ташкилот билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу пайттача юртингизда ЕХҲТнинг бир қанча семинарлари ўтказилди. Хабарингиз бор, шу йилнинг сентябрь ойида «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» мавзуида халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтган эди.

Бинобарин, мазкур анжуманнинг ўтказилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий-демократик, одил фуқаролик жамиятини барпо этишда, шубҳасиз, оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Шундан бўлса керак, ғарбликлар ва қтли матбуотни тўртинчи ҳокимият, деб аташади. Шу маънода юртингизда бир қатор муҳим амалий ишлар қилинмоқда. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг ташкил этилганлиги фикримизнинг тасдиғидир. Мазкур фонд ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларини юксак баҳолайман. Зотан, ўзбек матбуотини жаҳондаги илғор мамлакатларнинг эркин демократик матбуотлари даражасига чиқариш, таъбир жоиз бўлса, тўртинчи ҳокимиятнинг империя даврида жаҳолатдан нураган деворларини тиклаш машаққатли, айни вақтда шарафли вазифа. Ўз ишини муваффақиятли якунлаган ушбу давра суҳбати ҳам ана шу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришда ва мустаҳкамлашда асосий кучлардан бири бўлади, деб умид қиламиз.

**Одри ГЛОВЕР, ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлари бўйича бюроси директори:**

— Анжуманда иштирок этиш, ўзбекистонлик журналистлар билан эркин баҳс-мунозаралар қилиш жараёнида шундай қатъий хулосага келдим: юртингизда давлат ва жамиятни ислоҳ қилиш бўйича босқичма-босқич демократик ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Хусусан, матбуотни демократлаштириш йўлида ҳам талай ишлар қилинаётганлигининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, бу борада Президент Ислом Каримовнинг олиб бораётган саъй-ҳаракатларини юксак баҳоламоқ керак.

Тўғри, етмиш йилдан кўпроқ вақт мобайнида мияга қуйиб келинган ақидалардан бирданига воз кечиш, эркин демократик жамият фуқаросидек фикр юритишга эришиш осон эмас. Фикримча, қалам соҳиби энг аввало қонун доирасида ўзини озод ҳис эта билмоғи керак. Бунинг учун замин бўлиб хизмат қиладиган омил журналистнинг билим даражаси, савиясидир. Бу эса нафақат Ўзбекистон, балки жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан огоҳ бўлишни ҳам тақозо этади.

Шунингдек, Ўзбекистон матбуоти демократик анъаналарга янада уйғунлашмоғи лозим. Ушбу анжуманни ўзбек матбуотини демократлаштириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам сифатида баҳоламоқ керак.

**Леонид ЛЕВИТИН, ЕХҲТ вакили (Германия):**

— Демократия — бу энг катта масъулият дегани. Шу маънода сўз эркинлиги журналистдан улкан масъулият талаб этади. Хорижлик журналист агар бирор хатога йўл қўйса, у суд орқали қонунда кўрсатилган миқдорда жарима тўлайди. Айтмоқчиманки, сўз эркинлиги бу оғизга келганни ёзиш дегани эмас. Ижодкор аввало буни чуқур ҳис этмоғи лозим. Шунингдек, демократик жараённи шакллантириш учун ҳам ўқувчини, ҳам тингловчини тайёрлаш керак бўлади. Яъни иккинчи томон ҳақиқий сўзни ҳазм қила олиши керак. Шундагина демократик жараён шаклланади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «танқидни охир замон деб қабул қиладиганлар» тоифасидагиларнинг дунёқарашида ўзгариш бўлиши ҳам эркин матбуотнинг тўлақонли шаклланишига таъсири катта.

Ушбу давра суҳбати давомида кўпгина ўзбекистонлик журналистлар билан ўзаро мулоқотларда бўлдим. Очиғи, уларни мустақил фикр-мулоҳаза ва мушоҳада юритишлари мени қувонтирди. Ўзбек матбуоти юртингизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг илҳомчиси бўлишига, улкан ислоҳотлар йўлига ғов бўлаётган унсурларни фош қилишга, қадриятларингизни улуғлаш йўлида хизмат қилишига заррача шубҳам йўқ.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Фурқат Санаев ёзиб олди.**

**Қишлоқ хўжалик соҳасида неки янгилик яратилса, Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон беш йиллиги» тажриба жамоа хўжалигида синаб кўрилади. Бу хўжалик учун анъанага айланиб қолган. Бундан бир неча йил муқаддам исроиллик олимлар томчилатиб суғориш тизимини таклиф қилишганда, ҳеч кимнинг юраги бетламай турса-да, хўжалик аъзолари бир неча ўн гектар майдонга шу тизимни ўрнатиб, унинг афзалликларини амалда исбот этишди. Шундан кейин Америка Қўшма Штатларининг ғалла ўрадиган «Кейс» русумли комбайнлари синовдан ўтди. Бугун эса шу русумли пахта терим машиналари синаб кўрилаяпти. Ҳозирча, улар тўртта.**

# «КЕЙС» БАРИБИР «КЕЙС» ЭКАН-ДА!

## АҚШнинг «Кейс» пахта териш машиналари Тошкент вилояти далаларида синовдан муваффақиятли ўтмокда

*(репортаж)*

Биз хўжаликка етиб келганимизда тушлик тугаб, механизаторлар яна ғайрат билан теримга киришганди. Дала ўртасида оҳиста юриб кетаётган баҳайбатроқ терим машинасининг унумли ишлаётгани узоқдан бўлса-да, яққол сезилиб турарди. Америкалик мутахассислар тақдим этишган «Кейс» пахта териш машинасининг паспортига кўз югуртирамиз:

**«CASE» 2155 COTTON EXPRESS» — юқори унум билан ишлайди. Тўрт қаторлиси 20 дақиқада 3 тонна пахта териш имкониятига эга. Механизмлар тў-**



**лиқ компьютерлаштирилган. Ҳайдовчи кабинаси «комфорт салон» талабларига жавоб беради. Энг асосийси, у сизни ҳеч қачон доғда қолдирмайди».**

Қоғоздаги сўзлар ҳақиқатга нечоғлик яқин эканлигини ўз кўзимиз билан кўриш ниятида, эгат бошига чиққан «Кейс» бункердаги пахтани телечкага ағдаргач, ҳайдовчи кабинасига кўтарилдик. Бир қарашда, ҳақиқатда ҳам салон-комфорт.

— 30 йилдан бери механизатор бўлиб ишлайман, лекин ҳали бунақасини кўрмагандим, — дейди хўжалик механизатори Собиржон Шералиев. — 1995 йилда шунақа «Кейс»да 700 тонна пахта тердим. Бу йилгиси янаям зўр ишлаяпти.

Шу пайт кабинадан ажабтовур товуш эшитилиб қолди.

— Компьютер огоҳлантираяпти, — деди Собиржон ака. — Эгатларимиз нотекис, ўзимизнинг «ХНП-1,8»ларга мослаштирилган-да. Сал дефект бўлса ҳам бирдан компьютер сигнал беради.

Эгат бошига чиқиб, ортга қайтар эканмиз яна компьютер чийиллай бошлади.

— Энди бункер тўлди, «ошиғини олмайман» деяпти, — дея кулимсирайди Собиржон Шералиев.

— Йигирма дақиқада-я!

— Ҳа-да, нима, бу сизга «ХНП-1,8»мидики, бункерга кириб, оёқ билан обдон тепиб, яна териб кетаверсангиз. Ана компьютер, кнопкани боссангиз ўзи бункерни шиббалайди, меъёрига етдими, бўлди, у энди сизнинг «командангизга» эмас, «Кейс»нинг бункерига қараб хулоса чиқаради.

— Қани сал юрингчи, нима бўларкин, — дейман унга ҳазиллашиб.

Собиржон ака «Кейс»ни жойидан оҳиста қўзғатди. Бир пайт бункердан пахта отила бошлади.

— Ана айтмадимми, ошиқчасини олмайди, деб, — дея жиддийлашди шеригим. Компьютер эса ҳамон чийилларди.

— Бир кунда неча тонна тераяпсиз?

— 47 тоннагача.

— Йўғ-е!

— Нима, ишонмаяпсизми?

— Шпинделларни неча маротаба тозалайсиз?

— Умуман, тозаламайман!

— Ҳазиллашаяпсиз шекилли?

— Бу — «Кейс». Агар шпинделларга пахта ўралса, ёки чанг ўтирса, дарҳол компьютер махсус мосламага «буйруқ» беради. У эса порошок қўшилган сувни шпинделларга пуркайди, қарабсизки, саноқли дақиқаларда шпинделлар топ-тоза бўлади. Биздагиларда эса шпинделларни кир босиб қолса, даланинг ўртасидами, охиридами дарҳол тўхтатиб, шланка билан сув пуркашимизга тўғри келади. Бу ерда ҳамма жараённи компьютернинг ўзи бажаради.

*• 20 дақиқада 3 тонна пахта*

*• Механизатор фақат рулни бошқаради, қолган ишни компьютер бажаради*

*• Кабинага ҳаво совутгич ўрнатилган, яхна «фанта» ичимлиги ҳам муҳайё*

*• Бункер меъёридан ортиқ пахтани қабул қилмайди*

*• Яқин йилларда Ўзбекистоннинг ўз «Кейс»лари бўлади*

Кабинада кондиционер бир маромда ишлаб турибди. Кабина четига жойлаштирилган 3 литрлик идишдаги «фанта» салқин ичимлигига ҳозирча ҳожат йўқ.

Паспортдаги ёзувларда муболаға йўқлигига ишончимиз ортгач, «Кейс»дан тушиб, эгат бошида комбайнларнинг иш жараёнини кузатаётган «Кейс» — корпорейшн» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили Жон Балтонни суҳбатга тортамиз:

— Булар дастлабкиси, ҳозирча 4 та, — дейди у. — 1997 йилдан «Ташсельмаш» заводидаги қўшма корхонамизда 100 та ана шундай терим машиналари йиғилади. 2000 йилга бориб эса йилига 500 та «Кейс» ишлаб чиқарамиз. Айтишим мумкинки, яқинда худди Асакадаги «ЎзДЭУавто» ишлаб чиқараётган машиналардек, «Ўзбекистоннинг ўз «Кейс»лари бўлади.

Умуман компаниямиз вакиллари мамлакатингизда қишлоқ хўжалик соҳасида фойдаланиладиган машиналар ишлаб чиқарувчи 4 та қўшма корхона қуриш ниятида илмий изланиш олиб боришаяпти. Яна «Кейс» ҳақида тўхталадиган бўлсак, у синовдан муваффақиятли ўтаяпти. Фақат кейинги йилги экиш мавсумида карталарни бир қадар унга мослаштириш керак, холос. Терим суръати ва сифатини ўзингиз кўриб турибсиз.

— Борди-ю, машина бузилиб қолса нима бўлади?

— Бундай пайтда тегишли маслаҳат бериш учун компаниямиз инженерлари Том Нонурс ва Крейс МакОлей ўз оиласидан, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, биринчи кунларданоқ дала бошида бўлишаяпти. Улар бу ерга келиб, ўзбек ҳамкасбларидан қуёш нурида ҳақиқий тобланишни, сабр-бардошни, меҳмондўстликни ўрганишди.

Ҳа, сифат — «Кейс»-корпорейшн» компаниясининг олий шиори. Шу туфайли ҳам бугунга келиб, компания жаҳоннинг 20 дан ошиқ мамлакатлари қишлоқ хўжалигини ўз машиналари билан забт этди. 1985 йилга келиб, АҚШдаги энг нуфузли қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарувчи «Интернейшнл харвотерс» компанияси ҳам, 150 йиллик тарихга эга бўлган «Кейс»-корпорейшн» олдида ип ечолмай қолди.

Ҳозир жаҳондаги илғор мамлакатлар борки, ҳаммаси «Кейс»-корпорейшн» билан ҳамкорликка интилади.

...Даладан қайтар эканмиз, «Кейс» билан ёнма-ён пахта тераётган ўз «зангори кема»ларимизга назар ташлаймиз. Тезлик ва иш унуми юқори бўлган «Кейс»лар олдида у бир қадар ғариброқ кўринса-да, ҳозирча иш бераяпти. Келажакда эса улар ўрнини Ўзбекистоннинг ўз «Кейс»лари эгаллайди.

**Шодиёр КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





*Олтинкўл туман матлубот ҳиссадорлик жамиятига қарашли бўрдоқичилик фермасида бугунги кунда 200 дан ортиқ новвос боқилмоқда. Ферма чорвадорлари бу йил давлатга тирик вазнда 100 тонна гўшт етказиб беришни режалаштиришяпти. Жорий йилнинг шу давригача улар тирик вазнда 60 тонна гўшт етиштиришди. Бу маҳсулот билан асосан, қишлоқ шифохоналари, болалар боғчалари, умумий овқатланиш корхоналари таъминланяпти.*

*Суратларда: фермада иш қизғин; бўрдоқибоқар Алишер Отамирзаев; бўрдоқибоқар Муҳаммаджон Умаров, чорва бригадири Неъматжон Нурматов билан.*

**Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

*Факт ва шарҳ*

# ХАТОЛАР ЯНА ТАКРОРЛАНАЯПТИ

## Ёки республикада бошоқли дон экишнинг кечикаётганлиги ҳақида

***Бу йил республикамизда 1.193 минг гектар сувли ердаги бошоқли дон экинларидан 2669 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосилдорлик эса бор-йўғи 24,4 центнерга етди.***

Давлатга дон сотиш топшириғини фақат 7 та вилоят уддалади. Ғалла ўз вақтида экилмаганлиги, суғорилмаганлиги, ҳайдов олдидан ва кузги озиқлантиришга эътибор берилмаганлиги натижасида Қорақалпоғистонда 26 минг, Қашқадарёда 10 минг, Самарқандда 9 минг, Хоразмда 10 минг гектар ерда ғалла бой берилди. Сирдарёда эса 13 минг гектар ердаги ғаллани ўт босиб кетди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятларининг бир неччта туманларида 3 фоиздан 45 фоизгача уруғлик жамғарилди, холос. Ана шу ва бошқа сабабларга кўра, бу йил республикада дон етиштириш мўлжалдагидан кам бўлди.

Хўш, шундай экан, режани уддалай олмаган вилоят, туман ва хўжаликлар ўтган йилги экиш мавсумида йўл қўйилган хато ва камчиликлардан тўғри хулоса чиқардиларми? Умуман, ҳозирги кунда республикамизда кузги ғалла экиш қай аҳволда?

Шу йил 1 октябргача бўлган маълумотларга қараганда, андижонликлар бу йил ҳам ишни бошдан пишиқ қилдилар. Гектарига 250 килограммдан ошириб сифатли уруғлик дон сепмоқдалар. Бу билан ғаллазорларнинг гектарида камида 6 миллион туп кўчат бўлишига эришилади. Бундан ташқари, 12 минг гектар боғдаги дарахт қатор оралиғига ҳам дон экилмоқда.

Шу йил август-сентябрь ойларида Вазирлар Маҳкамасининг иккита қарори эълон қилиниб, дон етиштириш билан боғлиқ барча ташкилий-иқтисодий, ёнилғи-мойлаш ашёлари, минерал ўғит ва бошқа моддий ресурслар етказиб бериш масалаларини ҳал қилиш йўл-йўриқлари белгилаб берилганди. Шунга қарамай, кўпгина вилоят, туман ва хўжалик раҳбарлари бу муҳим ишга тўғри ёндашмадилар. Улар ташкилотчиликни бўшаштириб юбориб, экиш муддатининг кечикишига йўл қўймоқдалар. Масалан, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятларида 1-5 октябрда ер ҳайдаш тугатилиши кўзда тутилганди. Бироқ бу иш 1 октябргача 55-80 фоиз бажарилди, холос.

Туманларнинг ўзлари белгилаган тадбирларда ер ҳайдашдан олдин 70-150, айрим жойларда 220 килограммдан минерал ўғит сепиш кўзда тутилган. Лекин кўп ҳолларда етарлича ўғит ажратилганига қарамай, ер ўғитланмасдан ҳайдалмоқда. Ваҳоланки, ерга ўғит бериш юқори ҳосил олишнинг кафолатидир.

Суғориладиган майдонларга гектарига камида 250 килограммдан уруғ сепилиши керак. Аммо, текширишлар чоғида маълум бўлдики, кўп жойларда ўтган йилги хатолар такрорланиб, бу йил ҳам гектарига 100-150 килограммдан уруғ сепилаяпти. Оқибати нима бўлади? Қанча кам уруғ сарфланса, ҳосил шунча кам бўлади, ернинг умри бекор ўтади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида фақат дориланган уруғлик сепиш таъкидланиб, бунинг учун жавобгарлик вилоят ва туман ҳокимликлари зиммасига юклатилганди. Бироқ айрим туман ва хўжаликларда бу соҳада ҳам аҳвол қониқарсиз. Экиш мавсуми тўғри ташкил этилмагани боис ишлар пала-партиш бўлиб, чўзилиб кетмоқда. Бундай хўжаликлар уруғликни ҳатто дориламай экиб юбормоқда. Дориланмаган уруғлик эса, экиш олдидан талон-торож қилинади, экилганлари эса ўсиш даврида ҳар хил касалликларга чалинади.

Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Тошкент вилоятларининг кўпгина хўжаликлари раҳбарлари «етарлича уруғлик жамғардик» деб ахборот беришганди. Лекин касални яширсанг иситмаси ошкор қилади, деганларидек, бу хўжаликларда экиш даврида ёлғон ахборотларнинг миси чиқиб қолди. Масалан, Арнасой, Зафаробод, Дўстлик, Деҳқонобод, Муборак, Қизилтепа, Мингбулоқ, Поп, Косонсой, Нарпай, Пахтачи, Пайариқ, Челак, Ғазалкент, Меҳнатобод, Оқолтин, Шароф Рашидов, Пискент, Чиноз, Бекобод, Гурлан, Қўшкўпир, Ҳазорасп туманларида уруғлик ғалла талабга нисбатан 5-20 фоиз жамғарилган, холос. Чунки юқоридаги ва бошқа кўплаб хўжаликларнинг раҳбарлари режани бажараман деб уруғликни ҳам товар-дон сифатида топшириб юборишди. Улар ўрим-йиғим даврида кузги ғаллани қандай қилиб, қайси уруғ ҳисобидан экишни ўйлаб ҳам кўрмадилар. Оқибатда экиш кечикаяпти, сифатсиз уруғ сепилмоқда. Демак, келаси йили бу жойларда ҳосилдорлик камайиб кетиши мумкин.

Шу йилнинг 1 октябригача республикада 260 минг гектар ёки 27 фоиз майдонга ғалла экилган. Сирдарё, Жиззах, Тошкент, Қашқадарё вилоятларида эса бу иш бор-йўғи 7-11 фоизга етди. Хўш, нега шундай бўлди? Дон экиш жараёнида юқорида зикр этилган хато ва камчиликлардан ташқари айрим хўжаликларда агрегатлар етарли эмас, бори эса қониқарсиз таъмирланган. Тракторларнинг техник ҳолати ёмон эканлиги экиш кампаниясини тезроқ якунлаш имконини бермаяпти.

Хулоса шуки, қолоқликка йўл қўяётган хўжаликлар шу ғанимат кунларда бор куч ва имкониятларини ишга солиб, ғалла экишни ўз вақтида тугаллашлари лозим. Акс ҳолда кеч экилган ғалла кеч униб чиқади, қишга нимжон бўлиб киради. Баҳорда яхши ривожланмайди ва пировард натижада республиканинг умумий ғалла хирмонидан барака учади.

**Ғулом ЮСУПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

BANK ASAKA

ИДАТ «Асака» банки ва унинг бўлимларида 1996 йил, 7 октябрдан бошлаб махсус «Автовклад» счёти очила бошлайди. Кредитни ҳужжатлаштириш учун «Автовклад»га қўйилган пул миқдори автомобиль нархининг 35% ни ташкил қилиши шарт. «Автовклад» счётини очиш учун бошланғич тўлов миқдори 5000 сўмдан кам бўлмаслиги керак. «Автовклад» счётини очган фуқароларга, автомобилларни кредитга сотиб олишни ҳужжатлаштириш учун турар жой ҳокимиятларида тузиладиган навбатда турувчилар руйхатига кириш ҳуқуқини беради.

**ИДАТ «Асака» банк бўлимларининг манзили:**

*1. Нукус бўлими — Нукус шаҳри, Беруний кўча, «Ўзавтотеххизмат» АЖК.*

*2. Асака бўлими — Асака шаҳри, Г. Яқубова кўча, 14.*

*3. Андижон бўлими — Андижон шаҳри, Кольцевая кўча, 1.*

*4. Бухоро бўлими — Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўча, 69.*

*5. Жиззах бўлими — Жиззах шаҳри, Большой Ўзбекский тракт кўча, 115.*

*6. Қарши бўлими — Қарши шаҳри, Самарқанд кўча, «Ўзавтотеххизмат».*

*7. Сирдарё бўлими — Гулистон шаҳри, Охунбобоев кўча, 134.*

*8. Термиз бўлими — Термиз шаҳри, Омонова кўча, 2.*

*9. Фарғона бўлими — Марғилон шаҳри, Саккокий кўча, 9.*

*10. Урганч бўлими — Урганч шаҳри, Промышленная кўча, 24.*

*11. Наманган бўлими — Наманган шаҳри, марғилон кўча, 105.*

*12. Навоий бўлими — Навоий шаҳри, Амир Темур кўча, 2.*

*13. Самарқанд бўлими — Самарқанд шаҳри, Спитамен кўча, 157.*

*14. Тошкент вилояти бўлими — Тошкент шаҳри, Чимкент кўча, 79.*

*15. ИДАТБ «Асака» амалиёт бошқармаси, Тошкент шаҳри, Нукус кўча, 67.*

Маълумот учун телефон: 55-56-16

**Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети қуйидаги ихтисосликлар бўйича докторантура ва кундузги ҳамда сиртқи аспирантурага қабул эълон қилади:**

- 23.00.04 Глобал тараққиёт ва халқаро системаларнинг сиёсий муаммолари
- 12.00.10 Халқаро ҳуқуқ
- 08.00.09 Жаҳон иқтисоди ва халқаро иқтисодий муносабатлар.

Ҳужжатлар шу йилнинг 20 октябригача қабул қилинади.

**Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин:**
**Буюк Ипак йўли кўчаси, 54. А корп. 53-хона.**

UZDUNROBITA cellular

"Ўздунробита" ҚК

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг уяли алоқа хизматига нисбатан ўсиб бораётган талабини тўлароқ қондириш мақсадида

**ўз хизматлари тарифини яна пасайтиради:**

агар хизмат режаси мақбул тарзда танланган бўлса 1 минут эфир вақти 0,35 $ гача арзонлаштирилади.

*Маълумот учун телефон: 30-09-09.*

"Ўздунробита" ҚК.

